



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 22 октябрь, № 217 (9112)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 октябрь куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган IT-паркка ташриф буюриб, лойиҳанинг иккинчи босқичига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди.



Икки йил олдин 200 миллион доллар инвестиция ҳисобига ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилган эди. Қарийб 4 гектар майдонда 20 — 25 қаватли 6 та офис биноси ва замонавий конгресс-холл барпо этилди.

Бу ерда мутахассислар учун барча шарт-шароитлар яратилган, истиқболли стартап-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган. Ахборот ҳамда молиявий технологиялар, логистика, электрон тижорат, электрон таълим, биотехнология ва бошқа йўналишлардаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Хозирги кунда “IT-Park” резидентлари сони 3 минг 200 та компанияга етди, уларда 14 мингдан ортиқ мутахассислар фаолият юритмоқда. Утган йили резидентлар томонидан 1 миллиард 600 миллион долларлик хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йил якуни билан бу кўрсаткич 2,5 миллиард доллардан ошиши kutilмоқда.

Экспорт ҳажми эса илк бор 1 миллиард долларлик маррадан ошиши режалаштирилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ 300 мингдан ортиқ ёшларни

ахборот технологиялари соҳасида юқори даромадли иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

— Ишончим комилки, бугун тамал тоши қўйилаётган ушбу йирик мажмуа олдимизга қўйган улкан марраларни забт этишда, шунингдек, инвесторлар билан Ўзбекистон ўртасида манфаатли ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим ўрин тутди, — деди давлатимиз раҳбари.

Лойиҳага кўра “IT-Park” ҳудуди 1,5 баробар кенгайтирилади. Бу ерда Саудия Арабистонининг “Data Volt” компанияси билан ҳамкорликда қуввати 12 мегаватт бўлган, 150 миллион долларлик дата-марказ барпо этилади. Кейинги босқичларда яна 3 миллиард доллар инвестиция киритилиб, қувват 500 мегаваттга етказилади.

Бундан ташқари, ушбу ҳудудда жами 6 та бино — Сунъий интеллект маркази, Космос ва келажақ технологиялари марказлари, 2 та 20 қаватли офис биноси, шунингдек, сервис ва савдо марказлари қурилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур мажмуа энг замонавий технологиялар, инновациялар ва билимларга асосланган “Сунъий интеллект хаби”га айланади.

Давлатимиз раҳбари капсула қўйиб, “IT-Park” лойиҳасининг иккинчи босқичи қурилишига расман старт берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев раислигида давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Сунъий интеллект технологиялари иқтисодиётдан тортиб, таълим, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқарув тизимига чукур кириб бормоқда. Йил бошида 2030 йилга бориб дунё иқтисодиётида сунъий интеллект ҳажми 15 триллион долларга етиши прогноз қилинган бўлса, ҳозирги таҳлиллар бу рақам 20 триллион доллардан ортишини кўрсатмоқда.

— Бугун инсоният янги цивилизация босқичига — сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Қайси соҳа бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изланиб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонда ҳам сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилди. Қисқа даврда дав-

лат хизматлари, банк-молия, жамоат хавфсизлиги, транспорт каби йўналишларда 30 дан ортиқ пилот лойиҳалар ишга тушди.

Утган йили Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Рақамли технологиялар вазирлигида бу соҳа билан ишлайдиган алоҳида марказ ташкил этилди.

Натижада бир йил ичида мамлакатимиз сунъий интеллектга тайёргарлик бўйича халқаро индексда 17 поғона юқорилади, Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади.

Эндиликда вазирлар ва тармоқ раҳбарларининг рақамлаштиришга масъул ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида соҳада сунъий интеллектни ривожлантиришга ҳам жавобгар бўлиши белгиланди. Шаҳар ва туманларда ҳам ҳокимларнинг рақамлаштириш ва сунъий интеллект бўйича маслаҳатчиси лавозими киритилди. Келгуси йилдан вазирлик ва ҳудудларда сунъий интеллектни жорий этиш ҳолатини баҳолайдиган рейтинг тизими ишга туширилади.

Хорижий экспертлар Ўзбекистоннинг сунъий интеллект соҳасидаги салоҳиятини 10 миллиард долларга ба-

ҳоламоқда. Буни имкониятга айлантириш ва дунёда сунъий интеллектга талаб ортиб бораётган ҳозирги даврда рақобатдош бўлиш учун 3 та энг асосий масала — инфратузилма, очик маълумотлар ва кадр тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш, энергетика, банк-молия, божхона-солиқ, транспорт, тоғкон ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида сунъий интеллект бўйича 100 та лойиҳа режалаштирилган. Уларни амалга ошириш учун шунга мос қувватлар, замонавий супер-компьютерлар керак. Лекин ҳозирги мажмуд қувватлар фақат кичик лойиҳаларни ишга тушириш учун етади.

Шу боис замонавий супер-компьютер кластерлари ва дата-марказларни қўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Бу йил 16 та супер-компьютер сотиб олиш учун 50 миллион доллар ажратилди. Кейинги йил бу маблаг 2 қарра оширилади.

Соҳага инвестицияларни рағбатлантириш учун Қорақалпоғистонда имтиёзли режим жорий қилиниши белгиланди. Сунъий интеллект инфратузилмасига 100 миллион доллардан кўп сармоя киритган инвесторларга электр

энергияси нархи 5 цент этиб белгиланади, IT-парк имтиёзлари татбиқ қилинади, импорт ускуналари божхона тўловидан озод этилади.

Шу билан бирга, олис ҳудудларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш учун кейинги йилдан “спутник интернет” операторлари фаолияти йўлга қўйилади. Улар беш йилга ер, мол-мулк, фойда ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилади.

Вазирлик ва идоралардаги маълумотлар ҳар хил серверларда тарқок сақланаётгани, уларнинг форматлари турлича бўлгани сунъий интеллектни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис вазирлик ва идоралардаги 55 та, келаси йил қолган барча маълумотлар базаларини ягона дата-марказига ўтказиш топширилди.

— Сунъий интеллект дастурлари самарали ишлаши учун улар, аввало, ўзбек тилини мукаммал даражада тушуниши зарур, — деди давлатимиз раҳбари.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар!

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан мустақкам ўрин олган кутлуғ сана — Ўзбек тили байрами куни билан сиз, азизларни, бутун халқимизни, чет эллардаги барча юртдошларимизни чин дилдан самимий муборакбод етаман.

Ушбу шуккуҳи айёмда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: бундан саккиз йил олдин мамлакатимизда бошлаган том маънодаги тарихий ислохотларимиз туфайли ўзбек тили ривожиди ҳам янги давр бошланди. Бу борада қабул қилинган Фармон, қарор ва дастурлар асосида унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва макomini мустақкамлаш, замонавий илм-фан, ахборот технологиялари ва халқаро муносабатлар тилига айлантириш бўйича катта ишларни амалга оширдик.

Хусусан, юртимизда географик объектлар номларини давлат тили меъёрларига мувофиқлаштириш изчил давом эттирилмоқда. Бугунги кунга қадар 250 мингга яқин географик объект, жумладан, 200 мингдан ортиқ кўча номлари давлат тилига мувофиқлаштирилиб, реестрга киритилгани, фақат кейинги икки йилда тоғ ва чўққилар, дарё, кўл, сув омборлари, фойдали қазилма конлари, метро бекатлари, темир йўл вокзали ва станциялари, аэропорт ва автостанциялар сингари 2 600 та объект давлат тили талаблари асосида қайта номланганини қайд этиш зарур.

Хозирги шиддатли глобаллашув жараёнлари, илм-фан ютуқлари орқали ҳаётимизга кенг миқёсда кириб келаётган янги тушунча ва атамаларни тилимизга аниқ қоида ва тамойилларга биноан қабул қилиш, тил сиёсатини илмий асосда, марказлашган ҳолда юритиш мақсадида Атамалар комиссияси фаолияти кучайтирилди.

Хорижий сўз ва ибораларни кенг жамоатчилик, олим ва мутахассислар иштирокида ўзбекчалаштириш бўйича самарали механизм жорий этилиб, сунъий интеллект им-

кониятларидан фойдаланиш учун махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилгани, электрон манбалар яратилгани эътиборга сазовордир.

Шу ўринда бир фикрни яна таъкидлашни ўринли, деб биламан: келажагимиз эгаси бўлган ёш авлодимиз замонавий билимлар, инновация ва тараққиёт чўққиларини эгаллаш учун албатта чет тилларни ўрганиши лозим. Лекин улар миллий рух, миллий тафаккур эгаси, ватанпарвар инсонлар бўлиб вояга етишлари учун, аввало, ўзбек тили ва адабиётини болалиқдан бошлаб пухта билишлари шарт.

Шу мақсадда таълим тизимида ўзбек тилини ўқитишни такомиллаштиришга жиддий аҳамият қаратмоқдамиз. Жорий йилдан эътиборан тегишли миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили фани ўқитувчиларининг ойлик маошига 50 фоиз қўшимча устама берилаётгани, таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларнинг 11-синф битирувчилари учун давлат тили фанидан якуний имтиҳон топшириши белгилангани шу йўлдаги муҳим қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилишда давлат тилини билиш талаби расман белгилангани ҳам тилимизнинг мавқеини оширишга хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган даврда 72 номда қомус, луғат ва қўлланмалар кўпминг нусхаларда чоп этилиб, давлат идоралари ва таълим муассасаларига тақдим этилди.

Айниқса, олти жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, тўрт жилдли “Алишер Навоий энциклопедияси”, беш жилдли “Навоий тили луғати” ва бошқа нашрлар етакчи хорижий университетларнинг кутубоналари, жаҳондаги ўзбек тили марказлари ва клубларига етказиб берилаётгани сафлари тобора кенгайиб бораётган ўзбек тили дўстларини мамнун этмоқда.

Биз инклюзив жамият барпо этиш тамойилларини тил соҳасидаги давлат сиё-

сатимизда ҳам муваффақиятли жорий этиб, мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакилларининг она тилларини ривожлантиришга муҳим аҳамият бермоқдамиз. Айни вақтда уларнинг давлат тилини ўрганишлари учун ҳам зарур шароитлар яратяпмиз. Бугунги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакилларини жипслаштиришга хизмат қилаётгани биргаликда олиб бораётган саяё-ҳаракатларимиз натижаси, десак, тўғри бўлади.

Азиз дўстлар!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ўзбек тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини мустақкамлаш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш борасида олдимизда турган муҳим вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу борада, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу байрам арафасида қабул қилинган “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди кўрсатиб ўтилган асосий мақсад ва вазифаларни ўз вақтида, самарали амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ушбу қарор билан тасдиқланган “2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2025-2026 йилларда амалга ошириш дастури”ни ҳаётга жорий этишда нафақат масъул ва мутасадди ташкилотлар, балки барчамиз фаол иштирок этишимиз зарур.

Бу ҳақда сўз юритганда, рақамли оламда ўзбек тилида сифатли, илмий асосланган, қизиқарли ахборот ва маълумотларни қўпайтириш, хусусан, глобал электрон энциклопедия ва платформаларни давлат тилидаги илмий-оммабоп мақолалар билан бойитиш, онлайн луғатларни такомиллаштириш ҳам диққатимиз марказида бўлиши лозимлигини айтиш ўтмоқчиман. Ҳаётимизда сунъий интеллект таъсири ортиб бораётган бир пайтда бу қудратли восита ёрда-

мида она тилимизни ривожлантириш ва тарғиб этиш — давр талабидир.

Ўзбек тилининг бой имкониятлари асосида халқимиз тафаккурига мос ва жозибдор миллий брендлар яратиш, махсулотларимизни ташқи бозорга олиб чиқиш маркетинг соҳасида асосий йўналишга айланиши зарур. Бу борада ватанпарвар тадбиркорларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатадилар, деб ишонаман.

Бундан ўттиз йил олдин қабул қилинган Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини қайта қўриб чиқиш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиз қаторига киради. Шунингдек, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тил маданияти ва саводхонлиқни тарғиб қилишга қаратилган замонавий ва тасвирчан медиамаҳсулотларни қўпайтириш лозим. Айниқса, фарзандчилигимизни она тилимизга меҳр қўйиб, унинг бекиёси бойлиги ва имкониятларидан баҳраманд бўлишга ўргатиш маънавий-маърифий тарбиянинг ажралмас бир қисмидир. Бу долзарб масала ижодкор зиёлиларимиз, таълим-тарбия, маданият, ёшлар, маҳалла, хотин-қизлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаолиятида доимо марказий ўринда туриши, бутун жамиятимизда умум-миллий ҳаракатга айланиши керак.

Бир сўз билан айтганда, барча соҳаларда бўлгани каби она тилимизни ривожлантиришда ҳам биз кенг жамоатчилигимизнинг амалий фикр ва таклифларига, фаол иштирокига таянамиз.

Муҳтарам ватандошлар! Сиз, азизларни бугунги қувончли байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустақкам соғлиқ, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

Миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган жонажон ўзбек тилимиз янада равнақ топсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

МАМЛАКАТИМИЗДА 21 ОКТАБРЬ —
ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Асосий байрам тадбири пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари эрта тонгдангина пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида бўлиб, ўз иходи ва фаолияти орқали она тилимизнинг жозибасини, луғат бойлиги ва имкониятларини бутун дунёга кўрсата билган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шуқуҳ

Муҳташам сарой фойе-сида ўзбек тилининг бетак-рорлиги ва жозибасини на-моиш этувчи илмий-маъ-рифий, бадий кўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республи-каси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами куни муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригини Ўзбе-кистон Республикаси Президенти Администрация-си Коммуникациялар депар-таменти раҳбари — Ўзбе-кистон Республикаси Президенти Матбуот коти-би Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Таъкидланганидек, бун-дан саккиз йил олдин мам-лакатиимизда бошланган том маънодаги тарихий ислохот-лар туфайли ўзбек тили ри-вожида ҳам янги давр бош-

ланди. Бу борада қабул қилинган Фармон, қарор ва дастурлар асосида унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва макomini мустақкамлаш, замонавий илм-фан, ахборот технологиялари ва халқаро муносабатлар тилига айлантириш бўйича катта иш-лар амалга оширилди.

Хусусан, юртимизда гео-график объектлар номлари давлат тили меъёрларига мувофиқлаштириляпти. Бу-гунги кунга қадар 250 мингга яқин географик объектлар, жумладан, 200 мингдан ортиқ кўчалар номлари дав-лат тилига мувофиқлашти-рилиб, реестрга киритил-ган. Қатор объектлар — тоғ ва чўққилар, дарё, кўл, сув омборлари, фойдали қазил-ма конлари, метро бекат-лари, темир йўл вокзали ва станциялари, аэропорт ва автостанциялар давлат тили талаблари асосида қайта номланган.

РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбек тилидаги адабиётлар, маълумотлар, мақолалар, ҳисоботлар, илмий ишларни рақамлаштириш, сунъий интеллект миллий маданиятимиз ва кадриятларимизни ўзида ифодалай олиши учун “Ўзбек тили корпуси”ни яратиш зарурлиги қайд этилди.

Президент сунъий интеллект соҳасида кадрлар тайёрлашни, энг аввало, мактаблардан бошлаш кераклигини таъкидлади.

Шу муносабат билан кейинги ўқув йилидан Информатика фани ўқув дастурларига сунъий интеллектга оид мавзулар киритилади. Бунинг учун Массасучетс технологиялар институти билан ҳамкорликда махсус дарслик ишлаб чиқилади.

Ёшларнинг сунъий интеллектдан фойдаланишга доир гояларини аниқлаш ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Бир миллион сунъий интеллект етакчиси” лойиҳаси кенгайтирилди ва бу бўйича миллий танлов ўтказилиб, энг юқори натижа кўрсатган ёшлар, уларнинг устозлари ва таълим ташкилотлари муносиб рағбатлантирилади.

Йигилишда олийгоҳларда сунъий

интеллект лабораторияларини ташкил этиш чоралари ҳам белгилаб олинди. “Янги Ўзбекистон” университетида “тармок — олийгоҳ — ҳамкор” тамойилида ишлайдиган “сунъий интеллект кластери” ишга туширилади. Олийгоҳларда сунъий интеллект, молиявий технологиялар, кибер-хавфсизлик, IT-муҳандислик, аэрокосмик ва булутли технологиялар каби йўналишлар учун давлат гранти квоталари 35 фоизга оширилади.

Талабаларнинг сунъий интеллектга қизиқишини ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда олийгоҳлар жамоалари ўртасида сунъий интеллект бўйича умуммиллий танлов ўтказилади. Мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлган “Сунъий интеллект соҳасидаги энг яхши стартап” танлови ўтказилади.

Умуман, соҳани ривожлантириш борасида етакчи компаниялар, хорижий экспертлар ва ватандошларимиз, йирик давлат корхоналари, банклар ва олийгоҳларнинг саяё-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида Сунъий интеллект альянсини тузиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Президент Шавкат Мирзиёев IT-паркка ташриф чоғида сунъий интеллект технологияларини мамлакатимиз вазирлиқ ва идоралари фаолиятига ҳамда бошқа соҳаларга кенг татбиқ этишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан ҳам танишди.

Бугунги кунда дунёда сунъий интеллект иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик каби йўналишларда асосий таянч воситага айланмоқда. Ушбу технологиялар давлат бошқарувида самардорлиқни ошириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда тизимли ислохотлар амалга оширилиб, натижада мамлакатимиз сунъий интеллектни жорий этиш бўйича юқори натижаларга эришмоқда.

Президент бу ютуқлар соҳада қўйилган илк қадамлар самарасини таъкидлади. Олдинда эса яна кенг қўламли вазифалар тургани айtilди. Шу боис сунъий ин-

теллектни ривожлантиришга оид лойиҳаларни эътибордан четда қолдирмаслик, илгор ташаббусларни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Тақдимотда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллект ечимларини жорий этиш, самарадор тажрибаларни кенг қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сунъий интеллектни тез ва барқарор ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий тажрибаларни доимий таҳлил қилиш, соҳада фаолият юритаётган ёшларимиз, халқаро экспертлар ва хусусий сектор билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йўналиш ривожининг энг муҳим омил малакали кадрлар тайёрлаш эканлиги қайд этилди.

Кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида бир қатор инновацион дастурлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Университет — саноат — халқаро ҳамкорлик” сунъий интеллект кластери лойиҳаси тақдимот қилинди. Бу ташаббус доирасида ўқувчиларда сунъий интел-

лект саводхонлигини ошириш, педагог кадрларнинг малакасини юксалтириш, соҳавий дарсликларни ишлаб чиқиш ва саноат учун замонавий мутахассислар тайёрлаш ишлари белгиланган.

Шунингдек, тақдим этилган “AI Maktab” платформаси эса ёшларни рақамли кўникмалар ҳамда замонавий касбларга ўргатишга қаратилган. Платформа орқали иштирокчилар виртуал ёрдамчи, рақамли маркетинг, AI-контент яратувчи, бизнес-аналитик каби ўнлаб йўналишларда масофавий таълим олади.

Президент ушбу тажрибани кенгайтириш, муҳим соҳалар ривожига ёшларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, сунъий интеллект бўйича илмий-ўқув лабораторияларини ташкил этишдан кутилаётган натижаларга эътибор қаратилди. Тижорат банкларида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Яқин истиқболда бундай илмий тадқиқот ва амалий лойиҳаларни олий таълим му-

ассасаларида кенг йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллект йўналишида фаолият юритаётган иқтидорли ёшларимизнинг “PromptLab”, “Detecting-AI.com” ва “KotibAI” каби инновацион лойиҳалари билан ҳам танишди.

Эътиборлиси, бу каби дастур ва иловалар кичик жамоалардан тортиб йирик компанияларгача иш самардорлигини ошириш, даромад манбаларини кенгайтириш ва интеллект туал меҳнатни энгиллаштиришда катта имконият яратмоқда. Бугунги кунда ушбу маҳаллий ишланмалар молия муассасалари, қурилиш соҳаси ҳамда ижодий жамоалар фаолиятида қўлланилаётгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев тақдим этилган чора-тадбир ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлади. Сунъий интеллектни жорий этиш жараёнларини янада жадаллаштириш, илгор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тавсия ва топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

ТИНЧЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Женева шахрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифок 151-ассамблеясининг “Инқироз шароитида инсонпарварлик меъёрларига риоя қилиш ва инсонпарварлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш” мавзусидаги ялпи мажлисида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси иштирок этди.

Анжуман

Сенат Раиси ўз чиқишида дунёда кечаётган турли низолар, инқирозлар ва гуманитар таҳдидлар миллионлаб инсонларнинг ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Бундай ша-

роитда парламентлар инсонпарварлик тамойилларини илгари суриш ва инсон ҳаётини асрашда ҳал қилувчи роль ўйнаши зарурлиги алоҳида айtilди.

Ассамблеяда Ўзбекистоннинг инсонпарварлик соҳасидаги ташаббуслари илгари сурилди. Таъкидланганидек, ҳозирги кунда дунё бўйлаб 120 дан зиёд қурол-

ли тўқнашувлар натижасида 310 миллионга яқин инсонлар ёрдамга муҳтож. Бу эса инсонпарварлик меъёрларига риоя қилиш масаласини янада долзарб вазифага айлантирмоқда.

Ўзбекистон халқаро инсонпарварлик ҳаракатларида фаол иштирок этиб, нотинч минтақалардаги муҳтож аҳолига уй-жой, тиббий хизмат ва ижтимоий қўмак кўрсатиш орқали амалий ёрдам бермоқда. Бу саяё-ҳаракатлар мамлакатимизнинг инсонпарварлик ва халқаро ҳамжихатлик тамойилларига содиқлигини яққол намоён этмоқда.

Мажлис доирасида парламентлар ўрта-

сида қонунчилик ва рақамли ҳамкорликни чуқурлаштириш, гуманитар ресурсларни самарали ҳамда манзилли йўналтириш, глобал ташаббусларга молиявий иштироки кенгайтириш, шунингдек, инсонпарварлик соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашга оид аниқ тақдирлар ҳам илгари сурилди.

Таъкидланганидек, инсонпарварлик — тинчликнинг ҳуқуқий кафолати, барқарор тараққиётнинг маънавий пойдевори. Шу боис бу жараёнда парламентларнинг роли тобора ошиб бормоқда.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

БИРДАМЛИК ВА АДОЛАТПАРВАРЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Шу кунларда дунё парламентларини бирлаштирувчи халқаро тузилма — Парламентлараро Иттифокнинг 151-ассамблеяси бўлиб ўтмоқда. Ассамблея доирасида хотин-қиз парламентарийлар, ёш депутатлар форумлари ва доимий қўмиталар йиғилишлари ўтказилаяпти.

Мулоҳаза

Парламентлараро Иттифокнинг 151-ассамблеяси доирасида Парламент аёл аъзолари форумида “Бирдамлик ва илҳом: аёлларни ўз йўлида қўллаб-қувватлаш” мавзусида глобал аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

Эътибор қаратсак, ушбу мавзу жуда долзарб. Чунки унда жамият тараққиёти, барқарор ривожланиш омиллари аёлларнинг фаоллигига боғлиқлиги ифодаланган. Бу эса халқаро майдонда аёллар имкониятларини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни бугуннинг энг муҳим вазифаси этиб белгилайди.

Шу йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган ПИнинг 150-юбилей ассамблеясида ҳам бу масалага ало-

ҳида эътибор қаратилган эди ва Парламент аёл аъзолари форумида “Гендер тенгликка эришамиз: ҳаракатлар кетидаги ҳаракатлар!” шiori остида гендер тенглик бўйича янги кампания эълон қилинган эди.

Фикримизча, айни кунларда ўтаётган бу халқаро тадбир мантиқан 150-юбилей ассамблеянинг давомиде, десак, тўғри бўлади. Чунки унда кўтарилган масалалар аёлларни ўз йўлида қўллаб-қувватлаш нафақат давлат сиёсатининг, балки ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз эканлигини уқтиради. Анжуманда яна бир бор аёлларнинг таълим олишлари, иш билан муносиб бандлиги, уларни тадбиркорликка йўналтириш, маънавий ва руҳий қўмак, аёллар бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган майдонни кенгайтириш бу борадаги энг устувор вазифалардан бўлишига эътибор қаратилди.

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Сенат қўмитасида

Мажлисида сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли доимий комиссия аъзолари, вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, ушбу қонун Сенатнинг 10-ялпи мажлисида сенаторлар томонидан қатор таклифлар билдирилган ҳолда рад қилинган эди. Қонунчилик палатасида келишув комиссияси тузилиб, сенаторлар томонидан билдирилган таклифлар асосида қайта ишланди ва Сенатга қайта киритилди.

Қонун билан давлат ижтимоий суғуртасининг амалда бўлиши (мажбурий ёки ихтиёрий асосда), суғурта қилдирувчилар, суғурталовчилар, суғурталанган шахсларда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича муносабатлар юзага келиши, суғурта ҳодисалари турлари мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, суғурталанган шахслар, суғурталовчилар, суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари манбаларига аниқлик киритилмоқда.

Бундан ташқари, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш, амалга ошириш, тўловлар тайинланиши учун мурожаат қилиш ва ҳужжатларни қўриб чиқиш, тўловларни тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш механизмлари белгилаб берилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қонун давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қўмитанинг қонундан парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритиш бўйича қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МУАММОЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Сенатининг ишчи гуруҳи 20 — 25 октябрь кунлари Хоразм вилоятида парламент назорати доирасида вилоят ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини ўрганади.

Ўрганиш

Сўнгги беш йилда Хоразм вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 дан ортқ Фармон ва қарорлари қабул қилинган, вилоятга 9 та ташрифи амалга оширилган. Тўрт мартаба Хоразм вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича ба-жарилган ишлар ҳолати ва янги лойиҳалар тақдимотлари ўтказилган.

Уларда вилоятда барқарор

иқтисодий ўсишни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига шарт-шароит яратиш, ички имкониятларни ишга солиш, “яшил” тамойил ва ёндашувларни кенг жорий этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш, туризмни янада ривожлантириш бўйича аниқ мақсад ва вазифалар белгиланган.

Ўрганиш давомида айнан шу вазифаларнинг бажарилиши бўйича масъул давлат органларининг фаолияти, муаммоларнинг юзага келиш сабаблари, ҳал этилганлиги ҳолатлари таҳлил қилинади, жойлардаги мутасадди раҳбарлар

билан уларни жойида бартараф этиш чоралари қўрилади.

Шунингдек, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, “маҳалла бюджетлари” даромадларини ошириш ва харажатлар самардорлигига алоҳида эътибор қаратилади. “Оғир” тоифадаги маҳаллалар муаммолари, эҳтиёжлари, ривожланиш учун тўсиқ бўлаётган сабаблар аниқланади. Республика даражасида ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни бартараф этиш, белгиланган вазифаларнинг ижроси доирасида аниқ натижаларга эришиш борасида зарур тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ўрганиш якунлари Олий Мажлис Сенати Кенгашининг Хоразм вилоятида ўтказиладиган навбатдаги сайёр мажлисида муҳокама қилинади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Германия:

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси Равшан Мамутовнинг Германия Федератив Республикаси Бундестаги Қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат ва ватан масалалари бўйича қўмитаси раиси Херманн Фербер билан учрашуви бўлиб ўтди.

Биз ва ҳаҳон

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Хусусан, давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари икки халқ фаровонлиги йўлида барча соҳаларда юқори даражадаги шериклик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Учрашувда меҳмонларга “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар, соҳага доир қонунчиликдаги янгиликлар, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолига экологик соф қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етказиб бериш бўйича ууддаланаётган ишлар ҳақида сузлаб берилди.

Ўз навбатида, Х. Фербер самимий учрашув учун миннатдорлик билдириб, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мувозанатли, очик ва конструктив ташқи сиёсат, кенг миқёсли ангиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни алоҳида эътироф этди.

— Германия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ишончли стратегик ҳамкор сифатида тан олади. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишларда жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотлар бизда катта таассурот қолдирди. Бундай учрашувлар ўзаро тажриба алмашиш ва чўлланишдан тортиб, озиқ-овқат барқарорлигигача бўлган глобал муаммоларга биргаликда ечим топиш имконини беради. Ишончим комилки, бизнинг ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланиб, ривожланади, — деди Х. Фербер.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Икки давлат муносабатларини мустаҳкамлашда парламентлар ўртасида бевоcита ва мунтазам мулоқот майдонини шакллантириш, парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Томонлар қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикрлашди.

«Халқ сўзи».

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ



←1

Атамалар комиссияси фаолиятининг кучайтирилгани ҳаётимизга кенг миқёсда кириб келаётган янги тушунча ва атамаларни тилимизга аниқ қоида ва тамойилларга биноан қабул қилишда, тил сиёсатини илмий асосда юритишда муҳим ўрин тутмоқда.

Хорижий сўз ва ибораларни ўзбекчалаштиришда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш учун махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилгани, электрон манбалар яратилгани эътиборга сазовор.

Ўзбекистон бугун дунёга очилди. Шаффоқлик ва ошқоралик, жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламли ҳамкорлик боис кўплаб юртдошларимиз, айниқса, ёшлар жаҳоний билимларни эгаллашга, халқаро майдонда ўз сўзини айтишга интиломоқда. Бунинг учун улар чет тилларни пухта ўрганаётгани табиий. Лекин хорижий тилни ўзлаштириш она тилимизга эътиборсизликни, ҳурматсизликни келтириб чиқармаслиги лозим. Табриқда айни масалага уруғ қаратилар экан, ёш авлодининг миллий рух, миллий тафаккур эгаси, ватанпарвар инсонлар бўлиб воғда етишиш учун, аввало, ўзбек тили ва адабиётини болалиқдан бошлаб пухта билишлари шартлиги қайд этилди.

Шу мақсадда таълим тизимида ўзбек тилини

ўқитишни такомиллаштиришга жиддий аҳамият берилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилишда давлат тилини билиш талаби расман белгилангани ҳам тилимизнинг мавқеини оширишга хизмат қилаётгани ургуланди.

Табриқда ўзбек тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш борасида олдимизда турган муҳим вазифаларга эътибор қаратилган.

Бу борада, аввало, ушбу байрам арафасида Президент томонидан имзоланган “Давлат тили янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Рақамли оламда ўзбек тилида сифатли, илмий асосланган, қизиқarli ахборот ва маълумотларни кўпайтириш, онлайн лугатларни такомиллаштириш, она тилимизни ривожлантириш ва тарғиб этишда сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш, халқимиз тафаккурига мос ва жозибадор миллий брендлар яратиш, Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини қайта қўриб чиқиш миллий лисонимизнинг қадрини янада оширишга, жаҳонда нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

Тантанали тадбирда сунъий интеллект воси-

тасида Алишер Навоийнинг она тилимиз ҳақидаги фикрлари акс эттирилган видеоролик намойиш қилинди.

ТУРКСОЙ ташкилоти бош қотиби Султон Раевнинг видео табриги иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда мамлакатимизда истикомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари, хорижликлар ўзбек тилини ўрганиш, унинг бетакор нафосатига оид фикрларини билдирди. Уларга Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан Алишер Навоий асарлари жамланган энциклопедия тўхфа этилди.

Она тилимизнинг жозибасини намоён қилган гўзал шеър ва қўшиқлар, дилрабо рақслар йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Нуриддинхон Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳмамова қатнашди.

Ўзбек тили байрами куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ВАТАН КАБИ МУҚАДДАС

Инсон учун киндик қони томган Ватан, уни дунёга келтириб воғда етказган ота-онаси қанчалик азиз бўлса, она тили ҳам шунчалик қадрлидир. Зеро, киши қалбидаги жамики олийжаноб фазилатлар, аввало, она тилининг бетакорор мўъжизаси, сеҳри ва жозибаси билан камолга етади.

Фикр

Она тилимиз дунёдаги қадимий, гўзал ва бой тиллардан бири эканлигини, бекиёб имкониятларини халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзлари, бетакорор иборалари, дostonлариди қўриш мумкин.

Она тилимизга 1989 йил 21 октябрда давлат тили мақоми берилди. “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан тилимизнинг муҳофазаси таъминланди.

Бош қомусимизда ҳам давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси каби давлатнинг муқаддас рамзалари қатори эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлди.

Кейинги йилларда юртимизда давлат тилининг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеини янада мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги тегишли Фармони билан Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти фаолияти замон талаблари асосида ташкил этилди. Бу тузулма бугун давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминламоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан эса барча вазирилик ва идораларда иш юритиш лотин алифбосида ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, ўзлгимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътиборни янада кучайтирди.

Бундан ташқари, кейинги йилларда “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”, “Алишер Навоий қомуси”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”, “Фалсафа” қомусий лугати, “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”, “Ислом энциклопедияси”, “Маънавият: асосий тушунчалар лугати”, “Педагогика: энциклопедия”, “Тарих атамалари лугати”, “Адабиётшунослик лугати”, “Юридик атамалар лугати” каби 40 дан зиёд фундаментал китоблар нашр этилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида эса вазирилик, идора ва ташкилотлар ходимлари ўзбек адабий тили меъёрлари ва имло қоидалари бўйича мунтазам ўқитилляпти. Университетда ташкил этилган “Ўзбек мактаби”да ҳам юзлаб хорижлик фуқаролар она тилимиз ва миллий маданиятимиз асосларини катта қизиқиш билан ўрганоқда.

Пойтахтимиз марказидаги Миллий бог ҳудудида Адиллар хиббони бунёд қилингани, бу гўзал масканда барпо этилган ёдгорлик мажмуалари адабиётимизнинг буюк намоёндалари, ўзбек тилининг чинакам жонқуярлари хотирасига бағишлангани ҳам эътиборга молик. Юртимизда атоқли шоир ва адибларнинг номларидаги ижод мактаблари очилгани эса она тилимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказишга замин яратди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75, 78 ва 80-сессияларида ўзбек тилида нутқ сўзлагани ҳам кишига ўзгача гурур бағишлайди. Бугун дунёдаги қарийб 7 мингта тилдан атиги 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга бўлса, улар қаторида она тилимизнинг борлиги қалбимизни фахр ва ифтихорга тўлдиради.

Айниқса, юртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш увордиради. Шу маънода, она тилимиз ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакилларини ўзаро боглайдиган меҳр-оқибат тилига айланди, деб баралла айта оламиз.

Тил миллиятнинг дебоҳ, улкан бойлиги бўлиш билан бирга, ҳар бир инсоннинг маданиятини кўрсатувчи ойна ҳамдир. Шундай экан, ҳар биримиз миллатимизнинг юраги, руҳи, том маънода жони ҳисобланган она тилимизни асраб-авайлашимиз, эъзозлашимиз лозим. Буни эса энг аввало, оиламиздан, маҳалламиздан, шаҳримиздан бошлашимиз мақсадга мувофиқдир.

Кутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари
қўмитаси раиси.

АЖДОДЛАР РУҲИНИ МУЖАССАМ ЭТГАН ҚАДРИЯТ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Хусан Эрматов 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 63-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар билан самимий мулоқот ўтказди.

Сенатор ва ёшлар

Сенатор тилининг жамиятдаги ўрни ва миллий онгимиздаги аҳамияти, тил нафақат мулоқот воситаси, балки миллатнинг тарихи, маданияти ва аждодлар руҳини муҳассам этган муқаддас қадрият саналиши борасидаги фикрлари билан бўлишди.

Мулоқот давомида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Фитрат каби буюк алломаларнинг ўзбек тили шаклланиши ва ривожига қўшган улкан ҳиссалари ҳақида ҳам сўз борди. Улар ёзган асарлар нафақат адабиёт, балки тил маданияти ва миллий онгининг асосига айлангани қайд этилди.

Ўқувчилар сенаторга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мувожабат қилиб, давлат тилининг равнақида ёшларнинг ўрни борасидаги фикрларини билдирди. Ёшлар ўзбек тилидаги билимларини фақат дарсда эмас, ҳаётда ҳам фаол қўллаши, ижтимоий тармоқларда соф тилда ёзиши зарурлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Она тили — миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Муносабат

Тилни севиш, уни ардоқлаш миллатни севиш ва уни қадрлаш билан тенг. Она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбаъшарий тушунчалар асосида таракқий этган тиллар сафига қўиш ҳар биримизнинг саяъ-ҳаракатимизга боглиқ.

Бугунги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларида давлатимизни делегациялари ташрифи, ёшларимизнинг ютуқлари, спортчиларимиз галабалари шарафига ўзбек тилида мадҳиямиз қўйланаётир.

Кўп миллатли халқимизни юксак маърифатли жамият барпо этишдек эзгу мақсад йўлида қилишлатириш, юртдошларимиз қалбига ягона Ватан, умумий фаровон келажақ туйғусини сингдиришда ўзбек тили бирлаштирувчи аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама таракқий эттириш, учинчи Юксалиш даври пойдеворини яратишга қаратилган тарихий ислохотлар жараёнида ўзбек тилини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини ошириш борасида янги босқич бошланди.

Хусусан, 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни деб белгиланган. Давлат тилининг нуфузи ва мақомини юксалтиришга қаратилган Фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу йўналишда 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепция ва алоҳида дастур ҳаётга жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тили ва адабиёти йўналишида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ҳажми ҳамда илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда кўплаб олийоҳқларда ушбу мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Олий таълим муассасаларида ҳам

фан номзодлари ва докторлари, профессор-ўқитувчилар ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераётир.

Ўтган даврда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида турли ташкилот ва идораларда меҳнат қилаётган 33 мингдан ортиқ ходимлар ўқитилди. Шунингдек, ўзбек тилини ўрганиш истатида бўлган ватандошларимиз учун ушбу марказ ва унинг ҳудудий бўлимларида бепул ўқув курслари йўлга қўйилди.

Тилимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга эътибор янада кучайтирилиб, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбек тили байрамини нишонлаш бўйича қонун қабул қилинган. Бу борадаги саяъ-ҳаракатлар туйғайли ҳаётимизда давлат тилининг қўламли мутасадди ташкилотлар, балки биз, депутатлар ҳам фаол бўлишимиз лозим.

Бугунги кунда ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг сара намоналари хорижий тилларга таржима қилиниб, чет эллик китобхоналарнинг ҳам эътиборини қозонмоқда. Истеъдодли олим ва ижодкорларимиз қаламига мансуб илдининг чинакам кўзгусига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ минбаридан ўзбек тилида нутқ сўзлагани нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунёдаги ўзбек тилида сўзлашадиган фуқаролар кўнглини фахру гурурга тўлдириди.

Президентимизнинг мазкур сана муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табриғида айтилганидек, бундан саккиз йил олдин мамлакатимизда бошлаган том маънодаги тарихий ислохотлар туйғайли ўзбек тили ривожига ҳам янги давр бошланди. Бу борада қабул қилинган Фармон, қарор ва дастурлар асосида унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳозирги шиддатли глобаллашув жараёндари, илм-фан ютуқлари орқали ҳаётимизга кенг миқёсда кириб келаётган янги тушунча ва атамаларни тилимизга аниқ қоида ва тамойилларга биноан қабул қилиш, тил сиёсатини илмий асосда, марказлашган ҳолда юритиш мақсадида Атамалар комиссияси фаолияти кучайтирилди.

Шу йил 20 октябрдаги “Давлат тили янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга хизмат қилиши билан аҳамиятлйдир.

Мазкур қарор нафақат ўзбек тили химоясига, балки уни илмий, амалий ва технологик жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли дастурдир. Шу сабабли, у билан тасдиқланган 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2025-2026 йилларда амалга ошириш дастурини ҳаётга жорий этишда нафақат масъул ва мутасадди ташкилотлар, балки биз, депутатлар ҳам фаол бўлишимиз лозим.

Бугунги кунда ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг сара намоналари хорижий тилларга таржима қилиниб, чет эллик китобхоналарнинг ҳам эътиборини қозонмоқда. Истеъдодли олим ва ижодкорларимиз қаламига мансуб илдининг чинакам кўзгусига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ минбаридан ўзбек тилида нутқ сўзлагани нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунёдаги ўзбек тилида сўзлашадиган фуқаролар кўнглини фахру гурурга тўлдириди.

Президентимизнинг мазкур сана муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табриғида айтилганидек, бундан саккиз йил олдин мамлакатимизда бошлаган том маънодаги тарихий ислохотлар туйғайли ўзбек тили ривожига ҳам янги давр бошланди. Бу борада қабул қилинган Фармон, қарор ва дастурлар асосида унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳозирги шиддатли глобаллашув жараёндари, илм-фан ютуқлари орқали ҳаётимизга кенг миқёсда кириб келаётган янги тушунча ва атамаларни тилимизга аниқ қоида ва тамойилларга биноан қабул қилиш, тил сиёсатини илмий асосда, марказлашган ҳолда юритиш мақсадида Атамалар комиссияси фаолияти кучайтирилди.

Нигора ЛУТФУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутаты.



зилаётгани она тилимизнинг жамият ривожидидаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, ўзбек тилининг бой тарихи, хусусан, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний каби буюк боболаримизнинг она тилимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтилди.

Қонунчилик палатасида ҳам ўзбек тилини асраб-авайлашга, бойитишга, қабул қилинаётган қонунларнинг, барча қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг ўзбек тили нуктаи назаридан мукаммал, ҳамма учун тушунарли ва раван бўлишига доимо катта эътибор қаратиб келинаётгани айтиб ўтилди.

Халқ вакиллари ҳам миллий ўзлгимиз ва гуруримиз тимсоли бўлган она тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек шараф-

ли ишга муносиб ҳисса қўиши, ҳудудлардаги учрашувларда давлат тили меъёрларига амал қилиш бўйича депутатлик назоратини кучайтириши зарурлиги ургуланди.

— Ўзбек тили — фақат мулоқот воситаси эмас, балки миллатимиз юзи, юртимиз тараққиётининг асосий устундир, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Барно Бердиева. — Бундай тадбирлар ҳар бир фуқарода она тилига бўлган ифтихор ва масъулият туйғусини янада мустаҳкамлайди. Шундай экан, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб билишимиз, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги мавқеини юксалтиришга ўз ҳиссамизни қўишимиз керак.

Тадбирда сўз олганлар ўзбек тилининг бой тарихи, унинг ўрни ва аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Таълим

ТИЛ БИЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Пойтахтимиздаги 1-Республика Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми базасида Германия тиббиёт академиясининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг узоқни қўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати туйғайли Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бораётганлиги, ёшларнинг ўзлари танлаган касбни пухта эгаллаган ҳолда нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам бемалол фаолият олиб боришлари учун бекиёб имкониятлар яратилаётганини таъкидлашди.

Мазкур лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги, Соғлиқни сақлаш, Олий таълим, фан ва инновациялар вазириликлари, Германиянинг Ахен университети клиникаси ҳамда Швейцариянинг “Globogate Concept AG” компанияси ўртасидаги ҳамкорлик доирасида амалга оширилмоқда. Мақсад — юқори малакали ўрта тиббиёт мутахассисларини Германия стандартлари асосида тайёрлаш, уларнинг касбий ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва меҳнат миграцияси учун янги имкониятлар яратишдан иборат. Аслида, бу хайрли ташаббусга ўтган йил 16 сентябрда Самарқандда давлатимиз раҳбари ва Германия Федералъ канцлери Олаф Шольц ўртасида ўтказилган учрашув чоғида келишилган, шундан сўнг тегишли вазириликлар ва хорижий ҳамкорлар ўртасида муносабатлар амалий тус олган эди.

— Ўзбекистонлик ўқувчиларнинг билимга чанқоқлиги, ўзлари танлаган касбга бўлган меҳрини қўриб беҳад қувондим. Шунингдек, ёшларнинг немис тилига бўлган қизиқиши эътиборимни тортиди. Ишонманки, лойиҳамиз келгусида юқори самара беради, — дейди “Globogate Concept AG” компанияси ижрочи директори Санг Ву Пан.

Уч йиллик касбий таълим ва немис тилини мукаммал ўрганишдан сўнг Германияга йўл оладиган ёшлар мамлакатимиздаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумлари(15 та)нинг ҳар биридан 50 нафардан танлаб олинади. Уларга нафақат Ўзбекистон, балки Германия тиббий таълим

дастурларига, нуфузли клиникалар талабига қўра сабқ берилади. Мазкур техникум битирувчилари икки давлат томонидан тан олинадиган дипломга эга бўлиб, Германияда тўлиқ тан олинган ҳамшира сифатида иш бошлашади. Шунингдек ёшлар хорижда ўз фаолиятини бошлаш чоғида ўз оила аъзоларини Германияга олиб кетиши мумкин. Энг муҳими, барча харажатлар лойиҳа ҳисобидан қопланади.

— Ўқувчилик пайтидан немис тили курсига қатнаганман, ниятим — Германияда ўқиш эди. Буни қарангки, шу техникумга ўқишга кирган яна омадим чопди, танловдан ўтдим. Энди яхши ўқиб, етук мутахассис бўлиш орзусидаман, — дейди Севинч Рамазонова.

Миграция агентлиги масъули Гулрух Тулаеванинг таъкидлашча, бугунги кунга қадар “Globogate Concept AG” компанияси билан ҳамкорликда 1 200 нафардан ортиқ ўзбекистонлик фуқаролар ҳамширалик йўналишида ва немис тили курсларида тахсил олган. Уларнинг 450 нафари Германияда иш фаолиятини бошлади, 160 нафари эса виза олаш жараёнида. Йил якунига қадар эса яна 350 нафар ҳамшира Германиянинг Ахен ва Асклепиос клиникаларига юборилди.

Тадбир якунида меҳмонлар Яшнобод туманидаги Миграция агентлигининг 320 ўринли ўқув биноси ва 350 ўринли ётоқхонага эга бўлган янги Халқаро тил ва кўникмалар мактабидаги шароитлар билан ақиндан танишди. Ноябрь ойидан бошлаб мазкур мактабда Германияда ишлашга тайёрланаётган ҳамширалар ва Японияни қўзлаётган ёшлар учун махсус тайёрлов курслари йўлга қўйилади. Ва шу тариқа ҳар йили 1,5 мингга яқин фуқаролар хорижий тиллар ва касбий кўникмалар бўйича халқаро стандартлар асосида тайёргарликдан ўтади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

мамлакат аҳолиси ва қишлоқ хўжалигини
рўйхатга олиш тадбиридан бошланади

Бугун мамлакатимиз муҳим демографик тадбир — аҳолини рўйхатга олиш арафасида турибди. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ, ушбу жараён 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар ўтказилиши белгиланди. Умуммиллий аҳолини рўйхатга олиш ишлари охириги 35 йилда ўтказилаётгани туфайли кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотаётгани айни ҳақиқат.

Фармон ва ижро

Хўш, нега аҳолини рўйхатга олиш керак? Ушбу тадбирнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нимада?

Аҳолини рўйхатга олиш умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, фуқароларнинг демографик ва иқтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилوшни шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёндир. Оддий айтганда, бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини стратегик режалаштириш ва самарали бошқарувни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Негаки, мазкур тадбир асосида аҳолининг демографик ва иқтимоий-иқтисодий ҳолати, янаш даражаси, фаровонлик кўрсаткичлари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳолати тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотлар шаклланади.



хоннинг қўллаб ривожланган давлатларида фуқаролар сони ва уларнинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида аҳоли ўртача ҳар ўн йилда камида бир марта рўйхатдан ўтказилади.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: бизда-чи?

Ўзбекистон ҳудудидида илк бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1897 йилда амалга оширилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980 йилларда бу жараён такрорланган. Ушбу тадбир сўнгги бор 1989 йилда ўтказилган бўлиб, ушунда республикамиз аҳолиси 19,7 млн. кишини ташкил этган. Айни пайтда юртимиз нufуси қарийб 40 млн. нафарга етдики, бу ўзгаришлар замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мувофиқ аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг янги босқичини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Мустақкам
хуқуқий асос

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонда демографик ва иқтимоий-иқтисодий кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бироқ жаҳон тажрибаси ва халқаро стандартларга мувофиқ аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш масаласи эътибордан четдан қолиб кетди. Ваҳоланки, бу давр ичиди олис юртларни қўя турайлик, қўшни мамлакатларда ушбу тадбир бир неча марта ўтказилди. Хусусан, Қозоғистон аҳолисини уч марта (1999, 2009, 2021 йилларда), Қирғизистон 2 марта (1999, 2009 йилларда), Тожикистон 2 марта (2000, 2010 йилларда), Туркменистон ҳам 2 марта (1995, 2012 йилларда) рўйхатдан ўтказган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ушбу йўналишда сўнгги йилларда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йилда “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида” Қонун қабул қилиниб, мустақкам хуқуқий асос яратилди.

Қонунда ишончли ва ҳолис ахборот йиғиш мақсадида аҳолининг ҳар 10 йилда, қишлоқ хўжалигини эса ҳар 5 йилда камида бир марта рўйхатдан ўтказиш белгиланган. Бу жараёнда даврийлик, умумийлик ва бир пайтдалик, рўйхатга олишнинг яқка

тартибдалиги (номма-номлиги), шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги, аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги одамлар ҳисобини олишнинг асосий принциплари ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, қонун аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тизимли ва комплекс тартибга солидиган мослашувчан ва очик-ошкора хуқуқий доираларни яратишни давом эттиришга, энг асосийси, аҳоли таркибида юз берган глобал ўзгаришларни баҳолаш, демографик сиёсатни, одамлар саломатлигини мустақкамлаш, хотин-қизлар ва болалар ҳолатини яхшилаш, шунингдек, Барқарор ривожланиш миллий мақсадларини шакллантириш ва мониторингдан ўтказиш каби вазифаларни бажаришга хуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Шу тарика мамлакат аҳолиси, келажги, иқтимоий-иқтисодий ҳаёти учун муҳим бўлган ушбу тадбирнинг ўтказилиш тартиби жаҳон андозаларига мос ва хос бўлган қонун билан мустақкамлаб қўйилди.

Оддийлик ва
шаффофлик —
бош мезон

Гарчи аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари кечиккан бўлса-да, бу тадбирга кейинги йилларда пухта тайёргарлик қўрилди. Гап шундаки,

“Ўзбекистон ҳудудидида илк бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1897 йилда амалга оширилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980 йилларда бу жараён такрорланган. Ушбу тадбир сўнгги бор 1989 йилда ўтказилган бўлиб, ушунда республикамиз аҳолиси 19,7 млн. кишини ташкил этган. Айни пайтда юртимиз нufуси қарийб 40 млн. нафарга етдики, бу ўзгаришлар замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мувофиқ аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг янги босқичини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқарди.

2021 йилда аҳоли ва 2022 йилда қишлоқ хўжалиги синов тарикасида рўйхатга олинди. Тўлиқ рўйхатга олишни амалга ошириш учун зарур техник тайёргарлик, хуқуқий асослар ва бошқа омилларга тайёргарлик ишлаб чиқилганидан сўнг, ушбу тадбир 2026 йилга қўчирилди.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнининг қишлоқ хўжалиги билан уйғун ҳолда амалга оширилиши муҳим стратегик аҳамиятга эга. Аввало, харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, вақтни тежаш ва сўровларни мақбуллаштириш имконини беради. Бу ёндашув мамлакатнинг молиявий ва ташкилий ресурсларини самарали бошқаришга хизмат қилади, шу билан бирга, маълумотларнинг тўлиқлиги ва сифатини оширади.

Бинобарин, мазкур усул халқаро тажрибада ўзини оқлаб келаётди. Шу боис юртимизда ҳам Жаҳон банки, БМТ Аҳолишунослик жағмармаси ҳамда Озик-овкат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти иштирокчида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини бир вақтда рўйхатдан ўтказиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, шу асосда тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Президент Фармонига биноан,

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказиш тадбирлари 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар, 43 кун давомидида 3 та босқичда бажарилади. Дастлабки 17 кунда аҳолига интернет орқали маълумотларни киритиш имконияти яратилади. Бунда фуқаролар “census.stat.uz” портали орқали “OneID” тизими ёрдамида рўйхатдан ўтишлади. Аҳоли ўзи ва оила аъзолари тўғрисидаги саволномани мустақил тўлдирishi мумкин бўлади. Кейинги бир ой мобайнида эса “маҳалла етилиги” аъзолари иштирокида уйма-уй юриб маълумотлар йиғилади.

Уларнинг аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиши ва маҳаллий аҳоли эҳтиёжи ҳамда шароитларини яхши билиши рўйхатга олиш маълумотларининг сифатини, ҳаққонийлиги ҳамда аниқлигини кафолатлайди. Бу ёндашув давлат ва жамият ўртасидаги ишонч ҳамда ҳамкорлиқни мустақкамлаш баробарида, иқтисодий тежамкорлиқни таъминлайди. Негакки, ҳисоб-китобларга қура, ушбу усул орқали харажатлар сезиларли қисқариб, 1,3 трлн. сўм маблағ тежаланиш кутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рўйхатга олиш жараёнлари оддий ва шаффоф тарзда ташкил этилиши асосий мезон сифатида белгиланган.

Рўйхатга олиш жараёнлари якунлангандан сўнг маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш босқичи бошланади. Натижалар Евро-

па статистикалар конференциясининг 2020 йилги тавсияларига мувофиқ умумлаштирилади. Яъни мамлакат аҳолисининг таркиби ва миграцияси, оилавий ҳолати, фаолият тури, даромад манбалари тўғрисида ягона маълумотлар базаси шакллантирилади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ерларидан фойдаланиш, чорвачилик ва паррандачилик соҳасига оид кўрсаткичлар янгиланади. Мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳолати, чорва моллари ва паррандалар сони аниқланади. Бу орқали қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган ийиллик 25,6 трлн. сўм, жумладан, 2,2 трлн. сўм бюджет маблағларининг самарадорлиги, соҳадаги хизматлар ҳажми ва озик-овкат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур маълумотлар тўплами яратилади.

Йиғилган маълумотлар республика ва ҳудудларни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда муҳим ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

Мақбул муддат ва
юксак эътироф

Рўйхатга олиш жараёнининг аниқлиги ва тўлиқлиги таъминланишида мавсумий омилларнинг ҳисобга олиниши, шунингдек, ташкилий имкониятлардан самарали фойдаланилиши муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда ушбу тадбир аҳоли ва қишлоқ хўжалиги соҳаси учун нисбатан кам харажатланадиган қиш фаслига тўғри келиши билан ҳам юртдошларимизга қўшимча қулайлик яратади. Бу даврда қишлоқ хўжалигида ҳам мавсумий ишлар камайган бўлиб, фермерлар ва деҳқонлар учун маълумотларнинг тақдим этишда ортиқча оворагарчиликларни тўғдирмайди. Бошқача айтганда, қишлоқ пайтида чорва молларининг сони ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини аниқлаш осонроқ бўлиб, бу маълумотларнинг ишончлилигини оширади.

Бундан ташқари, сўровномадаги саволлар сони аввал режалаштирилган 328 тадан 71 тага қисқартирилди. Шулардан 54 таси аҳолига, 17 таси эса қишлоқ хўжалигига оид-дир. Жумладан, асосий демографик кўрсаткичлар, аҳолининг даромад манбалари, бандлик ва таълим даражаси, тураржой хусусиятлари, айрим тоифалар ҳамда чет эл фуқароларига оид маълумотлар қамраб олинган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид саволлар ҳам киритилган.

Яна бир қулайлик, аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари ва натижалари бўйича жамоатчиликни хабардор қилиб бориш мақсадида Аҳолишунослик жағмармаси билан ҳамкорликда махсус расмий веб-сайт (aholi.stat.uz) яратилиб, ишга туширилди. Буларнинг бари халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Аҳолишунослик жағмармаси, Озик-овкат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертлари Ўзбекистоннинг аҳоли ҳамда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича тайёргарлик ишлари ва ушбу жараёнининг биргалликда ташкил қилинишига ижобий ҳулосалар бергани шундай дейишимизга асос бўла олади. Ушбу халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлови Ўзбекистондаги рўйхатга олиш жараёнининг глобал стандартларга мувофиқлигини ва унинг натижалари халқаро миқёсда эътироф этилишидан ёрқин далолат.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш нафакат давлат органлари учун статистик маълумотлар йиғиш воситаси, балки бутун жамиятнинг фаровонлиги ва келажак ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим тадбирдир. Ушбу жараёнда олинган маълумотлар мамлакатимиз барча фуқароларининг яшаш сифати, ижтимоий фаровонлиги ва келажак имкониятларига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис ҳар бир фуқароннинг фаол ва масъуляти иштироки ушбу тарихий жараёнининг самарали ва муваффақиятли ўтишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Нурали САИДОВ,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг Меҳнат иқтисодиёти кафедраси доценти,
иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори.

Осиё ўйинлари:
ДАСТАЛБКИ КУНЛАРДА
БЕШТА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Шу кунларда Бахрайнда ёшлар ўртасида III Осиё ўйинлари бўлиб ўтмоқда. Қитъамиздаги 45 та мамлакатнинг 8 мингга яқин ёш спортчилари қатнашаётган йирик мусобақада юртимиз вакиллари ҳам голиблик учун кураш олиб бораётди.



Турнирнинг дастлабки кун баҳсларида кураш дастурида иштирок этган ҳамюртларимиз Отабек Йўлдошбоев (-65 кг.) ва Дурдона Турсунова (-70 кг.) олтин медалларга сазовор бўлди. Д. Турсунова финалда Қирғиз Республикаси, О. Йўлдошбоев эса Эрон вакилини ишончли тарзда мағлубиятга учратиб, делегациямиз ҳисобига илк медалларни тақдим қилди. Шунингдек, кураш баҳсларида М. Каримова (-52 кг.), Ш. Фолибов (-83 кг.) ва пенчак сизат бўйича Н. Рўзибоев (-63 кг.) делегациямиз ҳисобига 3 та олтинни қўшиб қўйди.

Осиё ўйинлари 31 октябрга қадар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, унда 26 та спорт тури бўйича голиб ва совриндорлар аниқланади.

Бокс:
МУЖИБИЛЛО
ФИНАЛГА ЧИҚДИ

Саудия Арабистонида профессионал бокс бўйича WBC Гран-при сериясининг яримфинал жанглири ташкил этилди. Мазкур мусобақада юртдошимиз Мужибилло Турсунов яримфинал баҳсида қатнашди.

Боксчимиз финал оstonасида украиналик Данило Лозанга қарши рингга кўтарилди. 6 раундга мўлжалланган жанг тўлиқ давом этди ва унда Мужибилло очколар эвазига (57-57, 59-55, 58-56) галаба қозониб, финалга йўллана олди. Энди у чемпионлик учун Карлос Утриа (Колумбия) вакилига қарши баҳс олиб боради. Финал учрашуви 5 декабрь куни бўлиб ўтади.

Футбол:
АЁЛЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ
ФИЛИППИНГА ЙЎЛ ОЛДИ

Келгуси йилнинг 1 — 21 март кунлари Австралия аёллар ўртасидаги Осиё чемпионатида мезбонлик қилади. Унда Ўзбекистон аёллар терма жамоаси ҳам қатнашади.

Мазкур нуфузли чемпионатга тайёргарлик кўраётган футболчиларимиз 21 — 30 октябрь кунлари Филиппин пойтахти Манила шаҳрида навбатдаги машғулотларини давом эттиради. Айтиш жоизки, йигин доирасида Филиппин терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашуви ҳам ўтказилади. Котрина Қулбита мураббийлигидаги жамоамиз сафарга 24 нафар футболчи билан йўл олди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

РЕКЛАМА

МАНФААТДОР ШАХСЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИНИ
ЖАМОАТЧИЛИК МАСЛАҲАТИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

«Сурхондарё вилоятидаги «М-41» минтакавий йўлини реконструкция қилиш (Ўзбекистоннинг мультимедаль алоқа ва логистика дастури (R180602))» лойиҳаси доирасида «Al Mar Consulting» МЧЖ 2025 йил 30-31 октябрь кунлари Сурхондарё вилояти аҳолиси ва манфаатдор томонлар билан жамоатчилик муҳокамаларини ўтказлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-330-сон «Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 3-илоҳасига мувофиқ, Сурхондарё вилоятида “М-41” Бишкек — Душанбе — Термиз автомобиль йўлининг 1444 — 1622 км. (178 км.) участкасини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган (биринчи босқич — 1525 — 1622 км. участкаси). Лойиҳа Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖОЙ ВА ВАҚТИ:

- Кумқўрғон тумани ҳокимлиги — 30 октябрь, соат 12:00
- Жарқўрғон тумани ҳокимлиги — 31 октябрь, соат 10:00
- Термиз тумани ҳокимлиги — 31 октябрь, соат 14:00.

Эшитувлар туман ҳокимликлари биноларида ўтказилади. КИРИШ ТЕКИН.

«ЎЗЧАРМСАНОАТ» УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ БЎЛГАН
КОРҲОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Ўзчармсаноат” уюшмаси кенгаши йиғилишининг қарорига мувофиқ уюшма аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши видеоконференцалоқа, шунингдек, тўғридан-тўғри иштирок этиш орқали 2025 йилнинг 30 октябрь кунини соат 15.00 да Халқ банки АТБ Бош офис биносининг мажлислар зали (манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдоркор шоҳқўчаси, 7-“Б”уй)да ўтказилади.

Умумий йиғилишнинг кун тартиби
қуйидаги масалалардан иборат:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибининг тасдиқлаш;
2. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиш ўтказиладиган жойга шахсан келиш ёки видеоконференцалоқа (ВКА) тизимига уланган ҳолда иштирок этиши мумкинлигини маъқуллаш тўғрисида;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрда-

ги “Енгил саноат соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида;

4. “Ўзчармсаноат” уюшмаси марказий аппарати эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишда етказиб берувчиларни танлаш бўйича рақобат танлови ва танлов савдоларини ўтказиш тартиб”ни ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш асосида янги таҳрирда тасдиқлаш;

5. Уюшма ижро этувчи аппарати тузилмасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосида ушбу тузилмани янгидан тасдиқлаш ҳамда бошқарув ходимлари чекланган сонини белгиллаш тўғрисида;

6. Уюшма балансидидаги ортиқча хизмат енгил автоматизацияларни ўрнатилган тартибда сотиш тўғрисида;

7. Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаси корхоналари фаолиятида юзага келаятган муаммолар тўғрисида.

Шунингдек, умумий йиғилишда соҳа корхоналари фаолиятидаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар кўриб чиқилади.

Умумий йиғилишда иштирок этувчи-

лардан ўз паспортларини санок комиссияси аъзоларига кўрсатишлари, агар вакил қатнашадиган бўлса, ушбу вакил номига юридик шахс номидан йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномани уюшманинг +99893 399 00 44 рақамли телеграм канали орқали тақдим қилиш сўралади.

Қатнашчилар видеоконференцалоқа (ВКА) тизимига улааниш йўли билан ёки йиғилиш ўтказиладиган жойга шахсан келиш орқали иштирок этишлари мумкин.

Йиғилиш қатнашчилари 2025 йил 30 октябрь кунини соат 14.00 дан 15.00 гача рўйхатга олинади.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 93-399-00-44; 97-707-36-01.

2026 йилдан бошлаб мактабгача таълим ёшидаги болалар учун «Менинг илк изоҳли луғатчам» расмий луғат китоби яратилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.32 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6